SURXONDARYO VILOYATI BOYSUN TUMAN HOKIMI QARORI

РЕЩЕНИЕ ХОКИМА БАЙСУНСКОГО РАЙОНА СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

«01» май 2020 йил **№ Қ-376**

Туман ҳудудларидаги каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг сувини муҳофаза қилиш зоналари ҳамда соҳил бўйи минтақаларини белгилаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги 981-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан;

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2020 йил 31 мартдаги 01-14/1121- сонли хати инобатга олинсин.

2. Бойсун тумани ҳудудларидаги сойлар, каналлар, қирғоқ бўйи ҳимоя минтақаларини қирғоқдан 7-12 метр, хўжаликлараро канал ва коллектор тармоқлари учун 5-7 метр ҳамда хўжалик ички суғориш ва зовур тармоқлари учун 3-5 метр этиб белгилансин.

3. Хўжаликлараро канал ва коллекторлар қирғоқ бўйи ҳимоя минтақасида сув хўжалиги идоралари рухсатисиз қурилиш ишлари олиб бориш ифлослантирувчи нарсалар, (ахлат, гўнг, саноат чиқиндилари, маиший оқавалар) ташлаш шунингдек заҳарли дорилар, минерал ўғит омборлари, ёқилғи мойлаш материаллари омборлари, автомобиллар ёнилғи қуйиш шаҳобчалари, молхона, паррандачилик корхоналари ва бошқа ифлослантирувчи корхоналар қуриш қатъиян ман этилганлиги белгилаб қўйилсин.

4. Туман ҳудудларидаги магистрал, хўжаликлараро ва ички канал ҳамда коллекторлар қирғоқ бўйи ҳимоя минтақаларига сув хўжалиги идоралари билан қирғоқларни мустаҳкамлаш, сув боғланишини камайтириш мақсадида мавсумий қишлоқ хўжалиги экинларини экишга рухсат берилсин.

5. Мазкур қарор “Бойсун” газетасида расмий эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий элон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ч.Абдуназаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **А.Жўраев**

BOYSUN TUMAN HOKIMI DEVONXONA ASLIGA TO'G'RI SURXONDARYO VILOYATI BOYSUN TUMANI